

**ФИЛОЛОГИЯ**

УДК: 8-1/-9+10

**“БОҚИЙ ДАРБАДАР” РОМАНИНИГ ҮЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Г.Эргашева

*В статье изображается взаимосвязь между формой и жанром романа, философия востока и запада.*

*The article was written about the dependence between the novel's form and maintenance and east and West's philosophy which soaked up in the novel.*

**Калит сўзлар ва иборалар:** инновация, ижод иқтисодиёти, дарбадар, шарқ ва гарб фалсафаси, клонлаштириши

Маълумки, бугун маънавият, санъат, адабиёт соҳасида турган энг устувор бурч ва вазифалардан бири бутунги кун киёфасини, замонамиз қаҳрамонини яратишдан иборат. Чунки бизнинг атрофимизда фидойилар, юртимизнинг ифтихорлари яшамоқда. Уларнинг ҳар бир ишлари ибрат булишга арзигуллик. Худди шундай асарлардан бири 2010 йилда “Энг яхши роман” деб эътироф этилган Исажон Султон қаламига мансуб “Бокий дарбадар” романидир. Исажон Султон романдан романга тафаккури улғайиб, маҳорати ўсиб, қалами чархланиб бораётган адаб. Буни санъаткорнинг асарларида куришимиз мумкин. Асарлари бир-бирига мутлақо ўхшамайди. Ҳар бири үзига хос курилма ва үзига хосликка эга. Янгилик эса биринчи навбатда романларда шартлилик тамойилларининг устуворлигига куринади. Исажон Султон гоявий ниятини шартли унсурлар, шартли воқеалар, рамзий тимсоллар ва манзаралар орқали ифодалашга эътибор беради. Шартлилик ёзувчи ижодида турлича ракурсларда намоён бўлади. Аксар романларида сюжет чизиги шартли деталлар асосига қурилган. Ёзувчи ижодий ниятини ўкувчига тўлароқ етказиш учун асосий қаҳрамонларнинг ёнига айрим бир шартли образларни хам киритади.

Исажон Султоннинг мазкур асари роман жанрининг анъанавий қолилларига сиғмаслиги, уларнинг ҳам шаклан, ҳам мазмунан үзгача яратилганлиги билан ҳам диккатга сазовор. Ҳақиқатан, асарда яхлит бир воқеа йўқ, кўп планли сюжет асосида воқеликнинг кенг эпик манзараси тасвириланмаган, марказида қаҳрамон турмайди. Лекин бу ҳақиқий роман. Буюк иродага бўйсунган инсоннинг инсоф, имон ва эзгулиги бош қаҳрамон бўлган “Бокий дарбадар” асарида руҳий тадқиқлардан кура воқеалар тасвири етакчилик қилгандай туюлсада, воқеалар маконда эмас, ўқирманинг қалби ва шуурида кечгани учун индивиднинг эпоси бўлмиш роман талабига тұла жавоб беради[1].

Бу муаллифнинг жаҳон адабиёти тажрибаларидан, хусусан, Фарбда ярим асрлар илгари бошланган “янги роман” бобидаги изланишлардан фойдаланганлик натижаси. Роман билан танишган ўкувчига дастлаб асарнинг сюжет чизигидаги етакчи йуналишлар, тимсолларнинг истак-уринишлари тасвири Чингиз Айтматовнинг Авдий ва Филофей каби қаҳрамонлари тутумларига ухшаб кетади деган үй келади. Лекин романдан келиб чиқадиган маъноларни чукур идрок этиш натижасида киши Исажон Султон масаланинг моҳиятини исломий назар билан тўғри англаганини ҳис этади. У “Бокий дарбадар” асарини ёзиш жараёнида кўп асрлик тарих ва тажрибага эга бўлган адабиёт илмининг теран ҳамда барҳаёт илдизларига таяниб, айни чоғда Фарб адабиётига хос тахлил

усулларини уйғунлаштирган холда ҳам миллий, ҳам умумжахон фани янгиликларига асосланган мезонларни яратди. Шунингдек, Улуғбек Ҳамдамнинг ёзишича, “янги адабиётшуносликнинг битта томири Ғарб адабий-эстетик тафаккури тажрибасидан сув ичса, бошқаси Шарқнинг мұмтоз поэтикаси булогидан баҳра олиши шарт”. Бу фикрни құллаб-куватлаган профессор Н.Рахимжонов эртанги адабиётшунослик илмининг “назарий тафаккури асосларини янги фалсафий-эстетик ғоялар, нұктай назарлар, қараашлар ҳисобига янада бойитишида Шарқ ва Ғарб, жағон классикаси, кече ва бутун яратилған бетакрор бадиият асос бўлиб хизмат” қилишини таъкидлайди[2]. Ёзувчи Исажон Султон “Боқий дарбадар” романида ана шундай шарқ ва ғарбни катта маҳорат билан уйғунлаштирган холда абадий ёшлик ва абадий қарилек мавзусига кенг күламда тұхталған[3]. Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романи бадиий адабиётда инновация яратиш мүмкін эканлыгини күрсатиб турибди.

Инновация йұналишининг адабиётта нима дахли бор? Гап шундаки, мутахассислар бу жараёнда инновацион тараққиёттің узвий қисми бұлған “ижод иқтисодиёти”га алохидә зытибор қаратышмокда. “Креатив иқтисодиёт” деб ҳам аталадиган бу тушунча айнан ижоднинг, истеъдоднинг илмий-технологик соҳадаги үзига хос ва мос үрнини билдиради. Чунки ижод маҳсулотлари миллий ва жағон иқтисодиёттінинг мұхим ҳамда ажралмас таркибий қисмига айланиб бормокда. Зеро ижод жараёнда ҳам маҳсулот ишлаб чиқарилади, тарқатилади. Бу соҳанинг үзига хослиги шундаки, унда фойда олиш манбай обьекти сифатида салоҳият, иктидор зытироф этилади. Мутахассислар айнан ушбу соҳада янги ғоялар, кашфиётлар күпроқ учрашини ҳам зытироф этишганды.

“Жағон адабиёти” журналининг апрель ойи сонида профессорлар Умарали Норматов ва Ҳамидулла Болтабоеvnинг “Бугунғи адабиётта эстетик идеал ва қаҳрамон муаммоси” мавзусидаги сұхбати зылон қилинди. Сұхбат давомида Умарали Норматов куюнчаклик билан айтған мулоҳазалардан бирини келтирамиз: “Нихоят, үзимизда “Алкимёгар” типидаги асарларға ҳамоҳаң тасаввүфнинг сирли-сөхрли рухи билан йүғрилған “Исён ва итоат”, “Мусулмон”, “Хайём”, “Боқий дарбадар”, “Сувдаги коса”, “Озод”, “Мезон” сингари ҳикоя, қисса ва романлар яратилди. Бу асарлар устида кизғин баҳс-у мунозаралар кетяпты... “Алкимёгар”дан асло қолищмайдыган бу асарларимиз ҳозирча нега кенг жағон орбитасига чика олмаяпты? Шу савол кишини үйга толдиради”.

Дархақиат, яхши асарларимизга ҳам аңғанавий қараашлар ва усулларнинг тортиш кучини енгіб, “жағон орбитасига” күтарилиши қийин кечаяпты экан, мазкур воқеликнинг үзиёқ бу борада янгича нұктай назарлар, янгича технологияларга бошқачароқ айтганды, адабий инновацияларга әхтиёж пайдо бўлганини күрсатмайдими?[4]

Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романи инсон интеллекти, одамийлиги ва ёвузлиги ҳакидаги фалсафий-рамзий романнан. Романда инсон пайдо бўлғандан буён унинг маънавиятини кемириб, тириклигиде азоб-уқубатларга гирифтөр қилиб, үлгач, дўзах оловида куйишига сабаб бўлаётган манфаатпараслик, қаноатсизик ва нафс аталмиш иллатлар етовидаги кимсаларнинг қисмати акс эттирилған. Бу асар ҳар бир одам ва бутун башариятта қилинган огоҳлантириш, одамзодни ёвузлик ва үз кучига ортиқча баҳо беришдан қайтаришга бўлған бир бадиий даъват десак муболага бўлмайди[1].

Ҳар қандай жонли мавжудот сингари инсон ҳаётининг ниҳояси борлиги, бошқа мавжудотлардан фарқли үлароқ у үзининг охир-оқибатда үлімга маҳкумларынин англаши ҳам ҳаётнинг фалсафий муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу тасодифий ҳол эмас, инсон ҳаёти ва үлеми масалалари асотирлар ва динларда ҳам марказий үринни әгаллаган. Кишиларда дастлаб үлімдан қўрқиши туйғуси кучли бўлған. Кейинроқ асотирий диний тасаввурлар воситасида бу жараён “мажбурий” эканлыги ҳакидаги зытикоғд билан алмашинган.

Инсон чалаёттган ҳаёт деган куйда дарбадарлик оҳанглари устун эканликларини ёзувчи чукур ҳис этади. Исажон Султон асаридаги мұхим бир хулоса шуки, инсоннинг биологик ва ижтимоий табиатига зид конунларнинг ҳаётта тадбиқ этилиши мұқаррар равишда ҳалокатга олиб келади. Чунки Яратғаннинг иродасига қарши чиқиб яратилған

сунъий одамларнинг хам биринчи саволи “Мен кимман?”, “Исмим нима?” кабилар булиб, улар хам ўзлигини топишга уринади. Инсон муаммосининг ушбу бадиий асарда фалсафай масалалари деб куйидагиларни айтиш мумкин:

- инсон моҳияти,
- инсонда ижтимоийлик нисбати,
- шахс эркинлиги,
- инсоннинг мавжуд бўлиши(борлиғи) ва моҳияти,
- инсон ҳаётининг максад ва маъноси.

Инсон ўзининг ижтимоий мажбуриятларини, жамият олдидаги бурчини, ўз масъулиятини табиий бир ҳол, ўз эркинлиги ва ижтимоий фаоллигининг узвий бир қисми сифатида қабул қилгандагина чинакам шахсга айланади. Акс ҳолда дарбадардан хеч кандай фарки қолмайди.

Исажон Султон тарихий ривоятлар ва ҳозирча кенг жамоатчилик онгига етиб бормаган энг замонавий илмий кашфиётлар кумагида инсоннинг ер юзидағи ҳаётини бадиий идрок этиб, инсониятнинг пешонасига “дарбадар” деган муҳр босмоқда. Дарбадар – йўлдан адашган, борар манзилини йўқотган кимса. Борар манзилини йўқотиш Худони, ўз яратувчисини унугтиш. Классик адабиётимизда инсоният тақдирига нисбатан ғарип деган таъриф берилади. “Турбатда ғарип шодмон бўлмас эмиш”, -дейди Ҳазрат Навоий. Ғарип – ер юзига қаердан ва нима сабабдан келиб қолганини, ўзининг яратувчиси борлигини билади. Фақат ҳозирча асл яратувчиси ва асл манзили – жаннатдан йирокда юрибди. Ғариблик азоби камроқ қисмат. Ғарип боқий дунё бу дунёда эмас, Оллоҳ ҳузурида, у дунёда эканлигини билади. Дарбадар эса асл Ватани ва яратувчисини бутунлай унугтган ва шунинг учун ўз табиати ва Худонинг ўзгармас қонунларини ўзгартирумочи булади. Ғарип ўлимни, қиёматни сабр билан кутади. Дарбадар эса келган ва борар йўлини йўқотгани учун ўзи сезмаган ҳолда қиёматни тезлатиб юборади, ўлимни инкор этиш даҳшатли ўлим эканлигини билмайди. Ахир ҳозирги кунда замонавий илм ўсимликлар, ҳайвонлар ва инсонларнинг гени – жавҳарини ўзгартиришга бошлади, зарраларнинг алоҳида сифатларидағи қобилият срдамида бутун инсониятнинг мияси, тафаккурига эгалик қилишга уриняпти. Яъни шайтон бош бўлаги илм инсоният тафаккурига ҳоким булиш орқали худоликни даъво қиляпти. Бу беҳуда уринишларнинг мантикий якуни, “Боқий дарбадар”да бадиий инкишоф этилишича, ер юзидағи ҳаётнинг кум остида қолишидир.

Ҳозирги кунда ривожланган давлатларнинг илмий даргоҳларида олиб борилаётган турли йўналишдаги илмий тажрибалар, изланишлар ҳақида етарли маълумотга эга бўлган одам ёзувчи Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романини осмондан олиб ёзмаганини дарров тушуниб етади. Олимларнинг эътироф этишича, ҳозирги кунда ДНАси жуда фаол, тез суръатда ўзгариб, икки бурмалидан ун икки бурмали кўринишга ўтәтирилди. Келажакда ер юзида икки бурмали ДНА га эга инсон қолмайди, - дейишишмоқда олимлар. Бу дегани Худо томонидан яратилган ҳозирги инсон бутунлай йўқолиб, бошқа бир жонзот пайдо булади. Бизнинг қаҳрамонимиз профессор Зиё эса Гоби саҳросидаги инсон такомили марказида бир қатор сафдошлари билан сунъий урчитиш, одамларнинг генларини такомиллаштириш, клонлаштириш ишлари билан шугулланади.

“Боқий дарбадар” романининг яралишида ҳозирги замон илмida юқорида тилга олганимиз ҳалокатли ўзгаришларнинг ҳам ўрни бор, албатта. Ёзувчи бир зиёли ўлароқ нанотехнология ва ген технологиясида содир булаётган ўзгаришлар ва уларнинг салбий оқибати ҳақида айтилаётган гаплардан яхши хабардор. Хўш, азалий қонунларни бузиб, инсон зотини ўзга бир мавжудотга айлантираётган, инсон тақдирининг яратувчиси буламан деб Худоликни даъво қилаётган кишилар қалбидан меҳр-муҳаббат, ҳамдардлик туйғуларини супуриб ташлаб, ўрнига чексиз худбинлик уругини экаётганларга қарши ёзувчи кулда қалам билан жанг қилишга уриниб қўрди. Чунки сунъий урчитилган одамларда на қалб бор, на ватан бор ва на ота-она. Уларнинг буғунги кундаги замонавий манкуртлардан фарки йўқ.

Демак, олий ҳакикатта кўл кўтарганлар, табиат яратган тартиб-интизомларни бузмокчи бўлганларни “Боқий дарбадар”да Яратган улкан бурон юбориб қум остига кўмиб йўқ қилиб ташлаяпти. Бу – жисмоний усулда иблис йўлига киргандарни жазолаш. Гояни ғоя билан енгиз лозим, деймиз. “Боқий дарбадар”да маънавий-рухий қадриятларни инкор этгувчиларга нисбатан яратганинг кудратини англаш, унга шукроналик, ота-онага эҳтиром, ватан ва миллатга муҳаббат инсон учун энг олий қадриятлар эканлиги мұқобил келяпти.

“Боқий дарбадар” асарини ўқиёттанды бир қатор афсона ва ривоятлар ёдга тушади. Бобил минораси ҳақидаги ривоятни эслайлик. Ушанда бутун дунё кишилари бир тилда гаплашишарди. Улар ўзаро келишиб Худонинг даргоҳига етиш учун баланд минора куришади. Бундан Худонинг қаҳри келиб, минорани бузиб ташлайди ва халқларнинг тилларини аралаштириб, ҳаммасига алоҳида-алоҳида тил бсрэди. Бу ривоятда ҳам муҳим бир жиҳат бор, муайян шароитда кишилар Тангрига тенглашмоқчи булишпти ва ўзларида куч-кудрат сезиб, яратганга эҳтиёж сезмай қолмоқда. Аслида, “Боқий дарбадар” романида тилга олинган боқий инсон яратиш ғояси, бу йўлдаги харакатлар ҳам Худога тенглашмоқчи булишга уриниш, унинг азалий қонунларини ўзгартираман деб осийлик килишдир. Бунинг учун Худо инсонларни қум бурони билан жазолаяпти.

Хулоса қилиб айтганда, биз “Боқий дарбадар” асарининг тубига чукурроқ тушганимиз сайин бундаги ҳамма воқеалар, адашишлар, дарбадарликлар, инсоний меҳр-муҳаббатни улуғлашлар битта одамнинг юрагида содир бўлган руҳий портглаш эканлигини тушуна борамиз. “Боқий дарбадар” романи бизни огоҳликка, хушёрликка чорлайди.

#### АДАБИЁТЛАР

- [1]. Қозоқбой Йўлдошев. Шарқ ўлдузи журнали. 2011й. 4-сон.; [2]. Йўлдош Солижонов. Кўзгудаги ҳаёт. Алишер Навоий номидаги Узбекистон Миллий кутубхонаси. Т. 2013. Б 61.; [3]. Раҳимжон Раҳмат ‘Муножот’дан ‘Боқий дарбадар’ гача // Шарқ ўлдузи. 2011й. 2-сон.; [4]. Абдуқаюм Йўлдошев. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2012. № 22.;

Адабиётшунослик кафедраси

Қабул қилинди:  
08.07.2014

УДК: 4+413.19

#### НЕМИС ТИЛИДА ҚЎЛЛАНАДИГАН ТУРҒУН ФРАЗАЛАРГА ДОИР

Ш.Нуритдинова

Данная статья посвящена особенностям устойчивых фраз, используемых в немецком языке.

*The specific features of set phrases used in German languages are revealed in the article.*

**Калит суз ва иборалар:** турғун фразалар, тўлиқ турғун бўлмаган фразалар, тугалланмаган фразалар, минимал кесимлар, лугат алмашинуви,

Сунгги йилларда таълим тизимининг ривожланиши, юксалиши билан ёшлар уртасида хорижий тилларни ўрганишга бўлган талаб тобора кучайиб бормоқда. Бугунги кунда ёшлар факаттина бир хорижий тилни эмас, балки бир қатор хорижий тилларни мукаммал эгаллашга интилмоқдалар. Бу, албатта, педагог ходимлар олдига кўп муҳим